

XI. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 644,9 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 24,7 минг кишига ёки 0,7 фоизга кўпайди. Шундан, 2 063,0 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,6 фоизи) ва 1 581,9 минг киши – қишлоқ жойларида (43,4 фоизи) истиқомат қилади.

Фарғона вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2018 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Фарғона вилояти	3 644,9	2 063,0	1 581,9	101,6	101,4	101,8
Фарғона ш.	280,8	280,8	х	101,6	101,6	х
Қўқон ш.	246,9	246,9	х	101,1	101,1	х
Қувасой ш.	90,9	51,0	39,9	101,7	101,6	101,8
Марғилон ш.	229,5	229,5	х	101,2	101,2	х
Олтиариқ	204,4	154,6	49,8	101,4	101,3	101,8
Қўштепа	183,4	72,5	110,9	101,8	101,1	102,2
Бағдод	207,3	107,1	100,2	101,8	101,7	101,8
Бувайда	219,8	107,9	111,9	101,7	100,7	102,7
Бешариқ	220,5	77,5	143,0	101,6	101,7	101,5
Қува	250,0	116,0	134,0	101,6	101,6	101,7
Учкўприк	220,6	40,2	180,4	101,9	102,3	101,8
Риштон	195,3	125,5	69,8	101,8	101,5	102,2
Сўх	75,1	47,9	27,2	101,8	101,3	102,6
Тошлоқ	194,9	45,5	149,4	101,8	101,3	101,9
Ўзбекистон	230,7	100,4	130,3	101,7	101,5	101,8
Фарғона	206,0	128,8	77,2	101,4	101,8	100,7
Данғара	167,5	39,1	128,4	101,6	101,6	101,6
Фурқат	114,6	27,2	87,4	101,8	101,9	101,7
Ёзёвон	106,7	64,6	42,1	101,7	101,6	101,9

**Январь–июнда вилоят бўйича аҳолининг
табiiй ҳаракати коэффицентлари**


Кўрсаткичлар	минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2017 йил	2018 йил	2017 йил	2018 йил
Туғилганлар	32,9	33,5	18,6	18,6
Ўлганлар	8,9	8,1	5,0	4,5
<i>шу жумладан</i> бир ёшгача болалар	0,3	0,2	6,9	5,8
Никоҳлар, <i>мингта</i>	9,7	11,2	5,5	6,2
Ажралишлар, <i>мингта</i>	1,7	1,7	1,0	1,0

Туғилиш даражаси. 2018 йилнинг январь–июнида туғилганлар сони 33,5 минг кишини ташкил этди ва 2017 йилнинг шу даврига (32,9 минг киши) нисбатан 0,6 минг кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффиценти 18,6 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Сўх туманида 16,0 дан 13,9 га, Тошлоқ туманида 21,4 дан 19,9 промиллега кузатилган. Қўқон шаҳрида 17,0 дан 18,4 га, Фарғона туманида 20,1 дан 21,1 промиллега кўпайиш кузатилди.

Аҳолининг табiiй ҳаракати коэффиценти

2018 йилнинг январь–июнь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)




Ўлим даражаси. 2018 йилнинг январь-июнида ўлганлар сони 8,1 минг кишини ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига (8,9 минг киши) нисбатан -777 кишига камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,5 промиллени ташкил қилди (2017 йил январь-июнида 5,0 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши Олтиариқ туманида 4,8 дан 4,0 промиллега, Тошлок туманида 5,3 дан 4,3 промиллега, Данғара тунида 5,7 дан 4,7 промиллега кузатилди. Ўлганлар сонининг ўсиши Фарғона туманида 4,8 дан 4,9 промиллега кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 63,3 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,2 фоизи - ўсма касалликларидан, 6,8 фоизи - овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,4 фоизи - нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2018 йилнинг январь-июнь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнида бир ёшга тўлмаган 216 та болалар ўлими кузатилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 5,8 промиллени ташкил қилди (2017 йилнинг январь-июнида 6,9 промилле).

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 38,0 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 23,6 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 28,2 фоизи – туғма аномалиялардан ва 4,2 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2018 йилнинг январь-июнида ФХДЁ органларида 11 163 та никоҳлар ва 1 725 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 6,2 та

никоҳ (2017 йилнинг тегишли даврида 5,5 та) ва 1,0 та ажралишлар (2017 йилнинг тегишли даврида – 1,0 та) тўғри келади.

**Январь–июнда тузилган никоҳлар
ва никоҳдан ажралишлар сони**
(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
Вилоят	9 718	11 163	1 718	1 725
<i>шаҳарлар:</i>				
Фарғона	647	707	229	207
Қўқон	655	824	217	190
Қувасой	192	240	62	51
Марғилон	445	555	133	98
<i>туманлар:</i>				
Олтиарик	550	656	63	76
Қўштепа	348	450	64	74
Бағдод	558	685	84	87
Бувайда	534	630	75	80
Бешарик	733	839	98	97
Қува	740	816	111	107
Учкўприк	590	654	93	63
Риштон	641	682	67	106
Сўх	254	293	20	27
Тошлоқ	423	491	67	63
Ўзбекистон	686	812	101	140
Фарғона	635	618	89	82
Данғара	512	557	63	82
Фуркат	329	400	52	58
Ёзёвон	246	254	30	37

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятга кўчиб келганлар сони 6 636 кишини, шу давр мобайнида

кўчиб кетганлар сони эса 7 273 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 637 кишига (2017 йилнинг шу даврида – минус 1 187 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Марғилон шаҳрида (минус 409), Фарғона тумани (минус 389), Қўқон шаҳрида (минус 202) кузатилди.

Январь–июнда аҳолининг миграция кўрсаткичлари
(киши)

	Келганлар		Кетганлар		Миграция сальдоси	
	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.	2017й.	2018й.
Вилоят	6 754	6 636	7 941	7 273	-1 187	-637
<i>шаҳарлар</i>						
Фарғона	1 720	1 947	1 209	986	511	961
Қўқон	653	594	873	796	-220	-202
Қувасой	181	195	188	181	-7	14
Марғилон	551	297	628	706	-77	-409
<i>туманлар</i>						
Олтиарик	108	149	243	231	-135	-82
Қўштепа	181	343	346	309	-165	34
Бағдод	444	323	390	313	54	10
Бувайда	265	230	380	357	-115	-127
Бешарик	165	206	279	284	-114	-78
Қува	314	324	360	332	-46	-8
Учкўприк	429	366	459	352	-30	14
Риштон	312	285	370	331	-58	-46
Сўх	0	2	15	32	-15	-30
Тошлоқ	351	323	430	364	-79	-41
Ўзбекистон	442	380	540	437	-98	-57
Фарғона	38	132	425	521	-387	-389
Данғара	190	183	348	381	-158	-198
Фурқат	316	280	318	253	-2	27
Ёзёвон	94	77	140	107	-46	-30

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь–июнь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 319,7 минг сўмни ташкил қилди ва 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 9,2 фоизга ошди.

**Январь-июнь ойлари давомида ўртача
номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январь-июнда, минг сўмда)**

